

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИКА
БОШЛАГАН



Қонунчиллик ва ҳуқук-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 132 (2396)

● 1991 ЙИЛ 2 НОЯБРЬ

● ШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН.

«Постда» рўзномасининг 24 октябрь кунги сонида милиция подполковниги Турсинхон Айдарович Худойбергенов Узбекистон Жумҳурияти ИИВ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланганини маълум қилгандик.



ЯНГИ РАҲБАР ИШ БОШЛАДИ

ТАБАССУМ СҮНМАСИН

— Турсинхон ака, аввалин Сизни янги лавозим билан табриклимиз. Қолаверса, масъулнитли вазифани уddyалашингизда куч-куват ва омад тилаймиз.

Энди анъанага кўра сұдбатимизни янги режалар ҳақидаги мулоҳазаларингиздан бошласак.

— Табригингиз учун раҳмат.

Шуни айтишим керакки, назаримда «Постда» орқали муҳтарам ўқувчилар билан учрашишга бир оз фурсат бор эди. Нега деб гана янги лавозимда иш бошлаганимга саноқли кунлар бўлди, холос. Ҳозирча кўзга кўринарли бирор иш қилингизга ултурганимча йўқ. Аммо матбуотни, хусусан бир ёшга тўлай деб қолган рўзномангирини қаттиқ ҳурмат қилишим туфайли тақлифингизни рад этолмадим.

Келинг, деразадан ташқарига бир қарайлик. Кўча тўла одам. Аслида уларнинг бирортасини ҳам танимаймиз. Лекин бегона деб ҳам айтольмаймиз. Чунки улар сиз ва бизнинг юртдошларимиз.

Улар кўчага яхши кайфият билан қишишган. Ана, юзларида табассум. Уларнинг табассуми сўнмаслиги, кайфияти бузилмаслиги, қисса қилиб айтганда, ҳар бир кишининг хавфсизлигини таъминлаша биринчи галда бизнинг вазифамиз.

Тўғрисини айтганда, ички ишлар соҳасидаги муҳим тармоқнинг янги раҳбари сифатида режаларим йўқ эмас. Жамоат жойларидаги тартибини сақлашнинг бирдан-бир йўли ходимларимизнинг куч ва имкониятларидан тўла ҳамда омилкорлик билан фойдаланиши. Бунинг учун эса уларнинг шарт-шароитларини мумкин қадар яхшилашимиз керак бўлади. Қолаверса, бу мураккаб режанини босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

— Дастлабки таассуротларингиз қандай? Айтмоқ-

чиманки, жамоат тартибини сақлаш борасида жумҳуриятимиздаги аҳвол ҳайтарзда?

— Яқинда вазирлик ҳайтининг мажлисида бу биринчи даражали масала сифатида муҳокама қилинди ҳамда таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бутунги кунда мустақил Узбекистонимизнинг Фарғона водийсидаги, Қашқадарё вилоятидаги вазият хотиржам бўлишимизга асос йўқлигини кўрсатади.

Умуман айтганда, жумҳуриятимиз бўйича ҳар куни 15 мингдан ортиқ пост-патрул хизмати ходимлари кўча ва хиёбонларда, истироҳат боғларида ва шунга ўхшаш жамоат жойларида хизматга жалб этилмоқда. Олий ва ўрта маҳсус милиция мактаблари талabalariдан ҳамда ИИБ қарамогидаги ички қўшин ҳарбий хизматчиларидан оператив вазият қалтироқ бўлган жойларда фойдаланмоқдамиз.

Хеч кимга сир эмас, 1989-90 йиллар анча-мунча оғир даврлар бўлди. Аввал Фарғона, кейинчалик Бўка, Паркент, воқеалари ҳеч кимнинг хотирасидан фаромуш бўлганича йўқ. Бу кунгилсизликлар ҳар биримиз учун ачиқ сабоқ бўлиши, яна шундай воқеаларнинг тақорламаслиги учун қўлимиздан нимаиди келса, қилишимиз лозим.

Зиммамизга юклатилган вазифанинг қанчалик залворли эканлигини ҳис қилингиз учун бир-иккита рақамларни келтирмоқчиман. Утган йил давомида рўйхатга олинган қонуибузарликларнинг 25 фоизи бевосита жамоат жойларида юз берган. Шуларнинг яримдан кўпрги безорлик, учдан иккиси қисми талончилик, учдан бир қисми қароқчилик ва оғир тан жароҳати етказиш, олтидан бир қисми эса қотиллик ҳамда номусга тажовуз килиши.

Ҳозир янги раҳбар сифа-

тида қилинган ишларни таҳлил қилиб чиқяпман. Жорий йилнинг тўққиз ойи бадалида юқорида мен айтган кўрсаткичлар ижобий томонга кескин ўзгаряптики, бу қувончли ҳолдир. Агар ўтган йилнинг шу даври билан тақослаганда, жамоат жойларида жиноят содир қилиш 800 марта яқин, яъни 6,8 фоиз қисқарган. Бунда айнинса пост-патрул хизмати милиционерларининг хизматлари таҳсинага сазовордир. Уларнинг бевосита иштироки билан 5 мингига яқин жиноят очилди, 300 га яқин жиноятларнинг олди олини, 450 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарларга маъмурий чора кўрилди.

Ўз навбатида, ўйлайманки, бу ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмаганлиги кундай аён. Ходимларимиз кундузни-кундуз, кечани-кеча демай, ҳатто об-ҳаво шароити билан ҳам ҳисоблашмай хизмат қилишади. Гоҳо бошқаларнинг оромини, хавфсизлигини сақлаш учун ўз ҳаётларини хавф остига қўйган пайтлари ҳам бўлади.

Мана бир мисол. Шу йил 20 август куни Урганч шахридан ташвиши ва совуқ хабар олдик. Шаҳар ИИБ пост-патрул хизмати милиционери Ражабов вазифасини адо этаётганида фалокатга дуч келди. Исмоилов деган безори уни пичоқ билан яралди. Шифокорлар қанча ҳаракат қилишмасин, билим ва маҳоратларини ишга солишмасин, 1962 йилда турилган йигитнинг ёш умрини сақлаб қолишполмади.

Бу яқинда рўй берган воқеа бўлганилиги учун ҳам мисол қилиб келтирдим, афусуски, шунга ўхшаш кишининг юрагини муз қилиб юборадиган воқеалар кўп.

Дилимга қаттиқ тугиб қўйган мақсадим — сафаримизни марҳум дўстимиз Ражабов каби бурчига содиқ ҳодимлар билан бойинши. Иложи бўлса ҳар бир милиционернинг мард, жасур, бақувват ва олижаноб бўлишига эришиш.

Таассуфки, айни кунларда ҳаммани шундай деб бўлмайди.

— Сиз янги ишга янги куч-куват билан киришдингиз. Ечимин кутаётган муаммоларни ҳам аниқлаб олган бўлсангиз керак, ҳархолда.

— Албатта. Бундай камчиликлардан кўз юмиб бўлармиди!

Кўпгина ҳолларда шаҳар ва туман ижроя қўмиталаридағи ўртоқлар милиция фаолиятига етарлича аҳамият бермаятилар. Керакли асбоб-анжомлар, улов учун маблағ ажратилмайти.

Соқчилик хизмати ходимлари тунги соат иккигача хизматда турадилар. Кейин уларнинг ўйларига этиб олишларни учун автобус ҳам ташкил этилмаётган жойлар бор.

Телефоннинг ички ишлар соҳасида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ваҳоланки, кўпгина хизмат жойларида бундай алоқа воситаси йўқ. Уларнинг хонадонларини телефонлаштириш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

— Асосан қайси туман ёки шаҳарларда шунача?

— Мен бошқармага келмасидан олдин бир неча йил Тошкент вилояти ИИБда турли лавозимларда ишладим. Олмалиқ шаҳридаги аҳволни яхши биламан. У ерда, ишонасизми, кадрлар этишмайди. Сабаби — бу шаҳардаги заводларда ҳар бир ишчига ойига 700-800 сўмдан маош берилади, бизнинг соҳамизда эса 250-300 сўм.

Қўшни туманлардан жалб қилийлик десак, улар ҳам энг аввало ўй-жой билан таъминлайсизларни, деб сўрашиди. Яна тилимиз қисиқ.

Ҳозирча жумҳуриятимиз бўйлаб юриб, мавжуд аҳволни чиқур ўрганишга ултурганим. Лекин шундай қилиш ниятим бор. Иложи борича шу ўткир масалаларни ўша жойнинг ўзида ҳал этишга ҳаракат қилиб кўраман.

— Аммо милиционерларнинг маоши настлиги масаласини Сизлар ҳал эта олмисизларки?

— Тўғрикуя, аммо бу борадаги муаммо ҳал бўляпти. Президентимиз дардимизга малҳам қўяяпти. Энди умид қилияпмизки, тахминан деқабр ойларидан бошлаб ҳатто оддий милиционерлар иш ҳақи ҳам анча-мунча ошса керак.

Суҳбатимиз бошланишида айтдим, остона ҳатлаб кўчага чиқсан юртдошларимиз юзидағи табассум сўнмасин деб. Боз мақсадимиз шундай. Демак, шу йўлда ҳаракат қилаверамиз.

Суҳбатдош Раҳмон АЛИ.
Суратин И. МИНАВРОВ олган.

ОЛТИНКЎЛДА

ҚўЛГА ТУШДИ

Шу йилнинг 29 июнь куни муқаддам судланганлар: Шарифжон Абдуназаров, Собиржон Тургунов, ҳали судланмаган Илҳом Эргашевлар ширакай ҳолда Янгиер шаҳридаги автошоҳбекатда тил бириттириб, Юрий Мишенко деган киши билан машинасида Ильич туманига олиб бориб келишга шартлашиши. 60 сўм беришларни айтишади. Улар 30-километрга келишгач, шу ердаги пивононада яна ичишади. Сўнгра рулини Учтом йўналишига буришни буюришади.

Иўлда Шарифжон Алланазаров енгиллалшиб олишлари кераклигини айтади. Машина тўхтагач, Илҳом Эргашев иккovi машинадан тушиб кетишади. Кайтиб келиб қарашса, Собиржон Тургунов ҳайдовчининг томогига пичноқ тираб турганини кўришади. У шерикларининг келганидан қувватланиб, Юранинг томоги ва чап тиззасини кесиб юборади. Қўлидаги соатини зўрлик билан ечиб олади.

Ниятлари осон амалга ошган босқинчилар Юрага орқа ўринидикга ўтиб ўтиришини буюрадилар. У эса қулай фурсатдан фойдаланиб ўқочади. Орқасидан қувиб етиша олмагач, машина рулига Шарифжон ўтиради. Кейин «қаердасан, Андикон», — деб қўянинг расмини чизишади.

Бўлган воқеа тўғрисида Юра тезда Ильич тумани ички ишлар бўлимида ҳабар қилиш ўрнига Янгиер шаҳрига бориб, касалхонага ётаб олади. Тибиёт ходимлари Янгиер шаҳри ички ишлар бўлимида, у ердагилар эса Ильич тумани ИИБга хабар қиладилар. Бир-бир ярим соат вақт бой берилади. Бу эса жиноятчиларнинг Сирдарё вилояти ҳудудидан чиқиб кетишлари учун етарли эди.

Хечдан кўра кеч деганлар. Зудлик билан Ильич туманинг оператив ишлар бўйича ўринбосари, милиция маъори Т. Аллаёрвон бошчилигида оператив гурух тузилди. Шу кунинг ўзида ёқ милиция капитани Абдужалил Абдураҳмонов, терговчи Абдусамад Усмонлар қўшини Мехнат обод туманига боришиб, жиноятчиларнинг шахснин аниқлашиди. Жиноят қидириув катта оператив вакилин Р. Маматов, милиция сержантлари У. Хидиров, А. Аҳмедовлар уларни тутуб келиш учун Андикон вилоятига жўнашди. Олтинкўллик милиция ходимларининг яқиндан берган ёрдамлари туфайли мақсад амалга ошиди.

Босқинчиларнинг жинойи ишлари Ильич туманинг ҳали судида кўриб чиқилди. Улар қилмишларига лойиқ жазо олдилар.

Н. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

ЯНА ЖАМОАТ УЛОВИ ҲАҚИДА

Кейинги пайтларда маршрутли такси вазифасини баъжарувчи қизил ранги мікроавтобуслар кўпайиб қолди.

Бу албатта яхши. Лекин шуниси қизиқки, бўш ўринидиклар бўлмасада, ҳайдовчилар ҳар бир бекатда тўхтаб одам олади. Ҳар бир йўловчига 40 тийинлик чипта берини ўрнига битта 20 тийинлик 2 та чипта йиртади.

«Қорасув» автобекатидан қатновчи 49-автобуслар ҳаракати эса бутунлай назоратсиз. 42-йўналиш бўйлаб юрувчи таксилар ҳам шундай бекилов.

10 октябрь куни 16-маҳалада кеч соат 19дан 20:30 гача 97-автобуснинг қораси

қўрнимади. Наҳотки улов қатновини назорат қиласидан бирор жавобгар шахс вазирликда топилмаса? Ахир уларга сиз билан менини топганимдан маош тўланса керак.

М. ХОЛМУҲАММЕДОВ.

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

ЯНГИЧАСИГА

Милиция майори Мамадиёр Бойзоков Зомин туманни ИИБ бошлиги этиб тайинланди.

— Милиция ходимлари халқ билан бирга экан, уларнинг осойиштагилгини сақлаш борасида ўз вазифаларини сиддиқидан бажаришга бурчлидирлар, — дейди М. Бойзоков. — Ана шунни назарда туғтан ҳолда кўйидаги ишларга биринчи бўлиб қўл урган маъқул, деган қарорга келдим.

Энг аввало эътиборни туман ички ишлар бўлими биносининг мутлақо талабга жавоб бермаслигига қаратиш керак. Халқда нақл бор-ку, «эскини эзлагунча эсинг кетади» деган. Хозирча эски бинода ишлаб турибмиз. Янги бино учун 23 минг сўмлик лойиха-смета ҳужжатлари тайёр бўлди. Қурилиш ишларини 1992 йил бошлиши режалаштирганимиз. Бу биринчи масала.

Иккинчидан, кадрларни жой-жойига қўйиш. Улар устидан интизомини кучайтириш, жиноятчиларга, чайковчиларга, безориларга қарши муросасиз бўлиши.

Милиция ходимларини доимий равиша ўқув машқларига жалб этиш ниятидан.

Учинчи масала — техника таъминотини ҳал қилиш. Зарур асбоб-анжомлар, криминалистик ўлчов воситалари етишмаслигидан содир этилган жиноятларни очиши қийин кечаяпти. Мана шу асбоблар учун 70 минг сўм пул олиш керак. Бунда, албатта, халқ ёрдамга муҳтожмиз.

— Туманда жиноятчилар сони кундан-кунга ошиб боряпти. Сизлар бунга қарши қандай ишларни амалга оширияпсизлар?

— Жиноят кўясига кирган ёшларни кўриб хўрлигим келади. Наҳотки улар ота-она тарбиясидан чиқиб, ўғрилик, ичклиқбозлиқ, безорилик, фоҳишабозлигичи ихтиёр этсалар?

Бунинг сабабини таълим-тарбия ишларини ота-оналар мактаб жамоасига, мактаб жамоаси эса ота-оналар зиммасига юклётганидан қидириш керак, менимча.

Мисолларга мурожаат қиласидан бўлсан, ўтган йилнинг 9 ойи давомида бир марта гиёхвандлик билан боғлиқ жиноят иш очилди. Ходимларимиз бир уйда наша сотилиши ҳақидаги хабарни эшитиши. Дарҳол гуруҳ ишга тушди. Сирдаре вилояти Мөхнатобод

туманига қарашли қўргонда истиқомат қилувчи Бисмли шахс қўлга олини. У туманимиз худудида савдо қилиб, ёшларни жиноят кўясига етаклаганди. Аммо судгача ўзини-ўзин осиб ўлдирди.

Содир этилаётган ўғирликлар ҳақида гапирсан, гап кўп.

Умуман ўтган йилнинг 9 ойида 13 та ўғирлик содир этилган бўлса, жорий йилда бу рақам 28 тага етди.

Тўғри, қаллоблар йўлига гов қўйиш масаласида камчиликлар йўқ эмас. Участка инспекторлари,

ИШЛАШ

БХСС ходимлари маъсулитни оширишлари керак. Аммо бу борада фуқаролар кўмагига ҳам эҳтиёж сезяпмиз.

Халқда «ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма» деган гап бор. Туманимизда кўпгина хонадонлар дарвозасиз, тўй ва шунга ўхшаш маъракалар кунларида эса аксарият фуқаролар уйларини қаровсиз қолдиришади. Бу эса, табиики, нопоклар учун айни муддао.

Яна бир томони бор. Милиция бирор жиноятни очиши жараённида иложи борича халқ билан яқинлашишга, улардан маълумотлар олишга ҳаракат килали. Кўпчилик фуқаролар эса тамоман бунинг акси. Сен менга тегма, мен сенга қабилида иш тутишади. Бу эса ўғриларни тумушидан илнириш жараёндаги ҳаракатларимизга жиддий халақит беради. Милиция ходимларига халқ ёрдам берса, ўғирликлар сони бир қадар камайган бўларди. Одамлар лоқайдилиги ички ишлар бўлими ходимларининг зиммасига оғир юк бўлиб тушмоди.

Бу борада аниқ ўзгаришлар қилиш ниятидан.

— Мамадиёр ака, бўш вақтингизни қандай ўтказисиз?

— Ички ишлар соҳасида бўш вақтнинг ўзи ўқ. Кечкурунлари рўзнома, ойномаларни ўқиб бораман. Спорт билан шугулланниб турман.

— Оилаңгиз ҳақида ҳам иккى оғиз...

— 5 нафар фарзандим бор. Рафиқамнинг исми Маврудахон. Аҳид яшаймиз.

— «Постда» рўзномаси ва унинг ходимларига истакларигиз борми?

— Албатта. Энг аввало рўзнома милиция ҳаётининг кўзгусига айлансин.

Таҳририят ходимлари эса ҳамрасларимизнинг сермашағат фаолиятини янада тўлақонли ёритсилар.

Муҳими тинчлик ва саломатлик бўлсин.

Масалан, тоғ қишлоқлари (Увол, Бешкуб)даги мактабларни олайлик. Улар орасидаги масофа 10-15 километр. Инспекторлар бир мактабга борса, бошқасига улгуролмайди.

Қолаверса, ҳар бир ўқувчи чекяпти-йўқми назорат қилиш имконияти ҳам ўқ. Шундай экан, бу муммо кўпроқ муаллимларни ташвишлантириши кепрек.

Кечкурун туман марказини кезсангиз, гуруҳ-гурӯб бўлиб юрган ёшларга дуч келасиз. Ким билади, улар нима ишлар билан шугулланади? Аммо бу билан милиция ходимларидан ташқари ҳеч ким қизикмайди.

Ўтган йили балоғат ёшига етмаганлардан 7 нафари рўйхатга олинган бўлса, бу йил 3 нафар ўсмири рўйхатга олинди.

Ҳа, ҳали қилинадиган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Уларни тугатиш борасида назоратни кучайтириши милиция майори Барот Шеронов зиммасига юклаганимиз.

КЕРАК

Туманда автофалокатлар сони ўсиб бораётганинги ҳам ўткир муаммо бўлиб қолди. Бу маълум маънода ДАН ходимлари масъулиятсизлигидан дарак бермайдими?

— ДАН ходимлари ўз ваизифаларини сиддиқидан бажаряпти, деб айта олмайман. Рақамсиз, ҳужжатсиз, ичиб рулни бошқарган мотоцикл ҳайдовчиларига нисбатан чора кўриш борасида ўта суст ишлашмоқда. Таниш-билишчилик дегандай...

Бу борада аниқ ўзгаришлар қилиш ниятидан.

— Мамадиёр ака, бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Ички ишлар соҳасида бўш вақтнинг ўзи ўқ. Кечкурунлари рўзнома, ойномаларни ўқиб бораман. Спорт билан шугулланниб турман.

— Оилаңгиз ҳақида ҳам иккى оғиз...

— 5 нафар фарзандим бор. Рафиқамнинг исми Маврудахон. Аҳид яшаймиз.

— «Постда» рўзномаси ва унинг ходимларига истакларигиз борми?

— Албатта. Энг аввало рўзнома милиция ҳаётининг кўзгусига айлансин.

Таҳририят ходимлари эса ҳамрасларимизнинг сермашағат фаолиятини янада тўлақонли ёритсилар.

Муҳими тинчлик ва саломатлик бўлсин.

Суҳбатдош Илҳомжон ЮНОСОВ.

Холмуродга учрашинг. Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб беради, азamat.

— Қайси Холмурод?

— Ануви маҳалларни саноат корхонасида ишлайдиган йигит-чи, машина мидаги!.. Ўша жуда қўлли оёқли йигит, фақат нархи сал...

Холмуродга учрашинг. Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб беради, азamat.

— Қайси Холмурод?

— Ануви маҳалларни саноат корхонасида ишлайдиган йигит-чи, машина мидаги!.. Ўша жуда қўлли оёқли йигит, фақат нархи сал...

Холмурод деганлари боевут туманидаги маҳаллий саноат корхонасида ёкспедитор бўлиб ишлайди. Қоғоздагина экспедитор, амалда эса мана шу корхонанинг «катта»ларидан.

Салим ота унинг гапларини маънудлади.

— Шундайликка шундай-куя, аммо бир томони ҳам борда. Бу қурилиш материаларни топиш жуда қўйиб кетди. Ёғочтахта базасидан эса битта чўп ҳам сотиг ололмайсан. Бир уй, бир даҳлизни бошлаб қўйганимиз, ҳануз ча-ла ётиби.

— Э. Салим ака, базама деб юрманг. Яхшиси

корхонага тегишли 4 минг 597 сўм 12 тийинлик материалларни сотиб юборган.

Ана шундай таъриф-тавсифлар Салим отага оламолам ишонч бағишилади. Ҳаётан даниллама уйни қуриб битириди...

У корхонага ҳавои орзулар билан кириб келдию дастлаб гангид қолди. Гўёни арининг уаси бузилекди. Ҳар ким ҳар қандай ҳашмади. «Ҳаҳ, тиниб-

УЛОВЛАР

Шу кунларда Наманган вилоятининг барча жамоа ва давлат ҳўжаликларида етиширилган ҳосилни йигиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Маълумки бу даврда транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳар қачонгидан ортади. Шу билан бирга ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга бевосита дахлдор бўлган ҳўжалик раҳбарлари, мұҳандис, техниклардан алоҳида масъулият талаб этилади.

Яқинда вилоят ДАН ходимлари ҳамма ҳўжаликларда бўлиб, уловларнинг техник созлигини текширилди. Бу тадбир жуда кўплаб камчиликлар очиб ташлади.

Тўракурган туманининг Москва, Намуна номли, Чуст туманининг Москва ва Энгельс, Учқўргон туманининг Свердлов, Задарё туманининг Наманган, Гулбог, Янгиқўргон туманининг Гулшан ва бошқа ҳўжаликлари га олиб борувчи йўлларда чуқурчалар, емирилиш, дала шийлонларидан чиқишида гуташмаларда тут дарахтларининг кўриниш масофа-ларга ҳалақит бериши аниқланди. Шу билан бир қаторда автоуловларнинг йигимтерига тайёр эмаслиги қайд этилади.

Поп тумани Ленин давлат ҳўжалигига уловлар одам ташиш учун жиҳозланмаган, бурилиш чироқлари



ТАМФА

Агар Туробжон ўша танишининг ўйтларини дарор қулогига қўйиб олмай, дўшисини ёнига олиб қўйиб, яхшироқ ўйлаб кўрганида борми? Қўли қорамой бўлса нима қилибди? Тракторчининг кўли тугул, кийим-кечаги ҳам майдан. Совун қидиравериб товоннинг тенилади эмиш. Эҳ, аттанд!

... Туробжон тракторчи бўлгани билан кўпчилик орасида иззат-ҳурмати жойида эди. Мана энди-чи... Ҳамкишилори Шерали иккиси кимнингдир гапига кириб, қоровулчиларка ўтишиди. Яна қаерда динг. Тошкентдаги Шумилов станциясида. Уларнинг вазифаси етиб келган вагонларнинг пломбаларини текшириб олиб, ичидаги давлат мулкини кўз қорачигандек аввалиб қўрилди.

Шу йилнинг 19 январида автоуловлар ортилган вагонларни қабул қиляётганди. Шерали 2 да «ГАЗ-2410» белгилли машинанинг пломбаси йўқлигини кўрди. Аммо наубатини Қ. Ўрозов Шералининг кўз олдида машина ичидаги магнитофони олиб йўлига равона бўлди. Бир оздан сунг эса Туробжон иккичи уловдаги магнитофони ечиб олди.

Собир Раҳимов туманинг халқ суди қоровуллар — 22 ёшли Ш. Бектошев ва 26 ёшли Т. Ҳожиматовнинг жинойи ишларини кўриб чиқиб, ҳар бирини З йилга озодликдан маҳрум қилди.

Мўйдин СУФИ.

Сиддиқ СУЛАИМОНОВ.

'МЕН ШАЙТ' ИМАН!



Тун ярмида чақалоқ йиғлади. Ширин уйқуда ётган она күзларини ишқалаб ўрнидан турди. Унга күкрак тутди. Лекин чақалоғы барып түгидан тұхтамади.

Онаизор энди алла айта бошлади. Майин ва ёкимли алла! Гүдак уни тушумасада, оңаңғы ёқдими, ҳарқалай мунчоқдек күзларига уйқу ина бошлади.

Ниҳоят, Валентина уни ўрнига ётқизиб қўйдиди, ўзи ҳам кароватга чўзилди.

Бир пайт гурсиллаган товшни эшитиб, күзларини ярқ этиб очди. Шундоққина каровати ёнида серрайиб турган кўланканни кўриб, бутун аўзои-баданига титроқ кирди. Бўйи баланд бу кўланка бир қарашда одамга ўхшар, обек-кўлли, кўзлари бор, аммо оғиз-бурни кўринмасди.

— Кимсан? — деди Валентина аранг ўзини қўлга олиб.

— Шайтонман! Жим ёт! — кўланка шундай дея унинг томоғига пичоқ қадади. Бечора аёлнинг унинг амрига бўйсунишдан ўзга чораси қолмади.

Хонада яна икки нафар шарпа пайдо бўлди. Улар тинмай у ёқдан-бу ёққа юришар, афтидан нималарни идир қидиришарди. Серванту шкафлар бирма-бир очилди.

— Чироқни ёқиб юбор, њеч нарса, кўринмаяпти! — деди улардан бири.

Чироқ ёқилиб, хона ёришгандан кейингина уй бекаси уларнинг кимлигини фаҳмлаб етди. Ниқоб кийган ўғрилар!

Узини шайтон деб таништиргани Валининг бўйини ҳамон пичоқ тираганча қылт этгани қўймай турарди. Иккни нафар шериклари эса бир зумда қўлга илинадиган буюмларни тўплаб олишиди.

— Бўлдими? — сўради «шайтон».

— Ҳа.

— Унда бўлса, ҳаммасини олингларда, мени ташқарида кутинглар!

Шериклари унинг буйруғига итоат қилишиди. Аммо эшик қолиб, деразадан чиқиб кетишиди.

— Энди ўрнингдан тур! — деб буюрди «шайтон» уй бекасига. Кейин ундан бор пулни чиқарип беришини талаб қилди.

Валентина китоб орасида сақлаётган юз сўмни титраб-қишиб узатди. У эса пулни чўнтағига гижимлаб тиқди.

— Энди кийимларингни еч! Худди онадан янги туғилгандай бўлишинг керак!..

Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтди. Ҳафсаласи пир бўлган «шайтон» тақдирга тан берди шекилли:

— Майли, кийиниб ол, биз билан кетасан! — деб тўнгиллади.

Уй бекаси шуни кутиб турган эди. Эшикни очдибоу ердан унча узоқ бўлмаган синглисининг уйига юргурди. Ҳайтовур босқинчи ортидан қувламади. Эҳтимол, ишнинг пачава бўлиши мумкинлигини ўйлаб, қочиб қолишини афзал кўргандир.

Собир Раҳимов тумани ИИБ ходимларининг тадбиркорлиги туфайли «шайтон» ва унинг гумашталари ҳисбага олинди. Ниқоблар ечиб ташланди.

Улар кимлар экан, дейсизми? Марҳамат, танишинг.

«Шайтон» — 1965 йилда туғилган, Тошкент туманиндағи Ҳасанбой қишлоғида, яна ҳам аниқоги Беруний кўчасидаги 65-йда истиқомат қилиб келган, жумҳурият 2-руйдик касалликлар шифохонасида санитар бўлиб ишлови Ҳамид Зондов бўлиб чиқди.

Унинг иккинчи шериги Исоил Сафаров. У 1972 йилда туғилган Ҳамид яшайдиган кўчадаги 13-йда истиқомат қилиб келган. Ҳеч қаерда ишламайди, бекорчи.

Иккевон балоғатга етман Р. Юлушевни йўлдан уришган ва ўзларига шерик қилиб олишган.

— Маст эдик, адашибиз. Кечиринглар,— деди Ҳамид суд мажлисида.

Суд раиси эса унга қўйидаги саволни берди.

— Судланувчи Зондов, айтингчи, сиз жабрланувчининг номусига тегдингизми-йўқми?

— Уни ечинишга мажбур қилганим рост. Аммо кароватда ётган чақалорини қўриб, фикримдан кайтдим.

— Жабрланувчи, судланувчининг кўрсатмаси тўғрими?

— Унчалик тўғри эмас, — деди Валентина кўзларини ерга қадаб.— У ҳаракат қилиб кўрди, аммо...

Улар олиб кетган буюмларимни кайтариб олдим. 1 минг 568 сўмлик. Аммо ўғрилар қонун нимани талаб қилса, ўша жазони олишлари керак.

Шундай бўлди ҳам. Улар Ўзбекистон жумҳурияти жиноят мажмуасининг бир неча моддаларига асосан айборд деб топилдилар. Ҳамид Зондов 9 йил, Исоил Сафаров эса 6 йил муддатта озодликдан маҳрум этилди. Иккинчи судланувчига тегшили молмул давлат фойдасига мусодара қилинадиган бўлди.

Шундай қилиб, «шайтон» ва унинг ҳамтоворги «дўзах»га тушди.

Холмуҳаммад МУИДИНОВ, милиция старшинаси.

БЕҲАЛОВАТ ҚАЛБ ЭГАСИ

Озод бугун ҳам ишдан кечқайтди. Қизи Дилфузда Мадамин исими бир кишининг тўйга таклифнома ташлаб кетганини айтди.

Озод тақлиф қофозини қўлига оларкан, ўйга толди.

... 1983 йил эди. Мадамин топган-тутганига ичадиган одат чиқарганди. Унинг ўртоги дўконда сотувчи бўлиб, баъзан қарзга ҳам бераверарди. Ҳар куни кайфи тароқ уйига қайтар, аллама-жалгача жанжал тинмасди.

Озод уни икки марта вактинча қамаб ҳам қўйганди. Шу-шу Мадаминнинг уни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ эди.

Бир куни телефон жиринглаб қолди. Мадаминнинг рафиқаси йиғлаганча зорланарди.

— Тезроқ келинг! Қўлида милити, отиб қўяди.

Озод зудлик билан воқеа жойига етиб келди. Мадамин милитини қайнотасининг кўйирагига тираганча ҳаммани бўралаб сўқарди. Озод довдираб қолмади. Эпчиллик килиб Мадаминнинг қўлидаги милитини пастга босди ва тортиб олди. Бу қимлиши учун жазосини олган Мадамин анчагача Озоддан хафа бўлиб юрди. Аммо вақт ўтиши билан хатосини тушунди. Ичиши ҳам ташлади. Уша кунги воқеани эсларкан:

«... Яхшиям Озод келиб милитини тортиб олгани. Сал қолганда икки одамнинг қотилига айланиб, ўзимни ва фарзандларимни хор қилар-дим-а... — дейди.

Мана бугун эса ўғлини ўлантиялти. Шу ерликлар ҳалигача «Мадаминни Озод одам қилди», — деб юришади.

Озод Жуманиёзов 1976 йили Тошкент «Давлат» дорилғунунинг амалий математика ва механика кулийти тутагатч, Гурлан туманинда мұхандис бўлиб ишлай бошлади. Унинг ички ишлар идораларига келишига қайнотаси И. Ниёзматов сабабчи бўлгандесек янгилишмаймиз.

ИИБда 32 йил меҳнат қилган Иброҳим ака ўз касби ҳақида Фарҳ билан гапирав экан, Озоднинг ихлоси ортиб борарди.

Ниҳоят, 1980 йили вилоят ИИБга ишга ўтди. 1983-87 йилларда «Коммуна» номли жамоа ҳўжалигига участка вакили, катта инспекторлик вазифасида хизматини давом эттириди. Тошкент милиция олий мактабида сиртдан таълим олиб, билимни чуқурлаштириди. 1989 йилдан бери Гурлан тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари лаъзимида ишлаб келмоқда.


Озод Жуманиёзов билан бўлган сўхбат бўлмадаги мавжуд муаммоларга бориб тақалди.

— Маълумки, «Милиция, идораларини криминал ва муниципал ислоҳ қилиш тўғрисида» қарор чиқди. Уни амалда тадбиқ қилиш талаб даражасида эмас.

Туман ИИБда 80 нафар милиция ходими бўлса, борйи уч кишидагина осма раации бор. Бу оператив ҳаракатга салбий таъсир қилмайди, албатта, — дейди куончаклик билан О. Жуманиёзов.

Озод раҳбар ходим бўлишдан ташқари Эшимжирон қишлоқ кенгашининг ноиби ҳамид. Аҳолининг ишончини оқлаш мақсадида тинмай меҳнат қиласи. Улар берган наказларни бажариш учун кучини сарфлайди, вақт билан ҳисоблашмайди. Ҳалқ ишончинини қозониб яшаетган О. Жуманиёзов каби фидойи кишилар билан ҳар қанча фархлансан арзийди.

М. НАВРУЗАЛИЕВ.



Оққурғон тумани ИИБ навбатчилик қисмидаги туну-куни телефон қўнгироги тинмайди. Унинг устига бу ерга ташриф буюрувчиларнинг ҳамсони талайгина.

Туманда содир этилаётган жиноятчилик кескин зарба беришда навбатчилик пультида ўтирган осойиштарилик посбоиларининг ҳамхиссаси каттадир.

СУРАТДА: (чапдан) милиция капитани Сайдулла Ахилбеков ва навбатчи ёрдамчиси милиция старшинаси Мирзақим Абдуҳакимов иш устида.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

Нур БАДИА.

ВОЙ, МУГОМБИР-ЕЙ...

— Чўнтағингиздаги нарсани — наркотик моддани кимдан ва қаерда сотиб олдингиз?

— Мен бунинг наркотик лигини билмаганман.

— Унда қандай қилиб қўлингизга тушиб қолди?

— Ўртоқларим билан озигина вино ичиб, уйга қайтадиган. Сал-пал кайфим бор эди. Йўлда, эшигимнинг нақ тагида бир ўроғлик нарса ётган экан. Пулмикан, деб ўйладим. Очиб қарасам... Энди қоғозга ўраб бир тортганимда оғайниларим Эркин ва Олеглар келиб қолишиди. Топилмани чўнтағимга беркитдимда, улар билан даҳани айлангани кетдим. 20-30 метр юришга ултурмай милиция ходимлари бизни ушлаб, бўлимга келтиришиди.


Александр бир оз сукут сақлагач қўшимча қилди.

— Ундан кейин мана судга беришди ишимни.

Вой, Александр қурмасур-еи. Гапини қаранг. Эшигининг нақ тагига кимдир наркотикин ташлаб кетганми. Милиция ходимларини лақиллата олмаган бу йигит судни лақиллатмоқчи-я! Ахир ашёвий далиллар гап-



Шанба учрашублафи



ЙУЛДАГИ ЙУЛ-ЙУРИКЛАР

— Узингдан олдин бораётганин кўзинг етсагина қувиб ўт, бўлмаса қўй, шарманда бўласан...

— Узингни тўхтатолмасанг—тезлашма, пешонанг турра бўлиши мумкин.

— Бурилишларда ўзингни бос, тагин оёғинг осмондан келиб ўтирасин...

— Ҳар қандай дабдабада бўлсанг ҳам пиёдага йўл бер.

— Чорраҳаларда ҳушёр бўл: бирортаси келиб бикинингдан туртиб юбормасин...

— Бехавф юраман десанг—олдинга ҳам қара, орқанга ҳам...

— Ҳар кўчага кириб кетавермасдан сўраб-суршиштирган маъкул: тагин боши берк кўчага кириб қолсанг, қайтиб чиқишинг гумон-а...

— Умуман кўчани катта холамнинг чорбоги деб ўйлаган қаттиқ янгишиади...

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Қизилиштон қурт тушган дарахтга қўниб «тўқ-тўқ» қилиб тақиллата бошлиди.

— Ким керак? — деди Қурт ичкаридан.

— Дарахт бечорани кемириб ётган текинхўр керак. Чиқсин буёқса, ишми бор, — деди Қизилиштон.

Қурт кавагига минг беркинсин — бекор...

ҚАРФА БИЛАН

ПИШЛОҚ

(Криловдан бошқача)
Дарахтга қўниб турган

Шубҳасизки, муштарийлар иқтидорли ҳажвчи Мухтор Худойқуловни яхши танишади. Унинг ичакузди асарларини мароқ билан ўқишиган. «Коса остида нимкоса»си бор масалларини мутолаа қилиб, ўйланиб қолишиган. Айримларнинг жаҳли чиқиб масалчидан хафа бўлган бўлиши ҳам табиий. (Муаллифни кимларгadir ёмон кўрсатмаган масал масалми?)

Мухтор ака айни чогда Тошкент давлат дорилфунунинг журналистика куллиётида муаллимлик ҳам қиласди. (Қуруқ кулгу билан рўзгор тебратиш кўп қийин). Ҳозирги кунда ўзбек матбуоти оғир аравасини судраб бораётгандар аксариятининг устози шу киши бўлади.

Хуллас ҳажвчи, масалчи, устоз Мухтор Худойқулов таҳририятимиз меҳмони.

ШЕЪРИЙ МАСАЛЛАР

ТУЛКИ БИЛАН БЎРСИҚ

Тулки билан Бўрсиқ анчадан бўён Яшардилар қўши — девор дармиён. Ҳаммага-ку маълум Тулкининг дарди,

Бўрсиқ ҳам, ишқилиб, турмасди қараб,

Ҳар куни ўл кезиб, терлаб, ҳансира б

Гоҳ сичон келтираса, гоҳида юрон, Оила тебратиб куни ўтарди.

Ахир, ҳаракатдан дерлар баракат, Бўрсиқбекка эса чимрилар фақат: «Топиб келяпман, деб юрибсиз сиз

ҳам, Тулкиларни қаранг — егани товуқ, Зиёфат бўлмаган бирорта кун йўқ.

Кеча Тулкийнинг уйига кирсан — Тахмони тўлиби парқув болишига, Иssiқ пар тўшаклар қоплабди қишига,

Ҳар кун қоп-қоп товуқ обкелар эри, Бизникида бўлса, нуқул ҳом тери, Болалар бир тишлам товуқ гўштга зор...»

(Жуфти-ҳалоллингиз шундай сайраса, Ҳар куни зевлаб, тинмай қайраса — Охири ҳар ишга кўнаисиз ноҳор...) «Хўш, ўша Тулкидан бир жойим

камми, Олғирликда ундан ўтказмасамми»—

Дея Бўрсиқ кирди товуҳонага Ба битта семизин тортиб панага — Эди ура қочиш пайиди эди,

Бирдан пайқаб қолиб хонадон ити — Уни шартта босиб, пийпалаб кетди,

Нақ узиб олдиёв, хийлача этни.

У ёри не бўлди — билганимча йўқ,

Лекин адабини хўб еди Бўрсиқ.

* * *

Ҳа, қўшнинг кўр бўлса кўз қису,

Бироқ — Агар ўғри бўлса — юр ундан йироқ.

ЛОЧИН ВА ҚУРТ

(И. А. КРИЛОВДАН)

«Кудратли қанотинг бор, парвоз этасан

деди: «Эй бечора, жудаям чекибсан-да азиат, Лекин шу қадар баланд ўрмалашдан

німа наф?

Уз зеркинг, ихтиёринг ўзингда эмас

фақат,

Шоҳ қаёққа эгилса эгиласан қалтираб».

Епишқоқлигим билан сақлайман-да

бунда жон».

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

Қарғанинг оғзидағи пишлоқни кўриб, Тулки уни гапга солмоқчи бўлди:

— Қарражон, бир сайраб бермайсанми?

— Ишигни қил, — деди Қарға оғзидағи пишлоғини маҳкам ҷанглаб туриб.

— Бунаقا пишлоқни пештахтадардан топиб бўлсан, мен буни «Гастрономторг» директорининг дастурхонидан илиб ҳоч-

ганиман...

ЗИРАПЧА

— Ҳаҳ, одамлар ҳам қизиқда, — деди Зирарапча.— Зигирдеккинамуни бирор жойларига санчилгундек

бўлсан, албатта, олиб ташлашмагунча тинчишмайди-я...

— Сен инсонга азоб берасанда, — деди Қисқич уни олиб ташлаётib.

ТУЛКИНИНГ ДУМИ

— Сенга бунаца узун думнинг нима кераги бор?


— деб сўрашиб Тулкидан.

— Ахир, изни йўқотадиган думимда, — деди Тулки.

ЮХО

— Мени йиртқич деган гаплар гирт тұхмат. Күннин зўрга кўриб юрган

бир бечораман. Менинг ҳеч



Тошкент жанубий шоҳбекати ички ишлар бўлими томонидан 1929 йилда Ҳоразм вилоятида, аниқроғи Урганч туманида түғилган, шу пайтага қадар Урганч шахри, Бирюзов кўчаси, 10-йда истиқомат қилиб келган Амин Абдуллаев қидирилмоқда.

У шу йил 2 октябрь куни қариндешилари билан мазкур шоҳбекатга келган ва қаёққадир кетиб қолган.

Белгилари: бўйи 180 сантиметр, оғзин, юмалоқ юзли, сочлари оқарган, пешонасида сочи кам, мўйлови, қошлиари оқарган, қиррабурун, лаблари юпқа, иягиди чуқурсаси бор, қулоқлари көрилган ва кўзлари қора.

Бедарак йўқолган куни у оч жигарранг дўппи, кулранг



жемпер, қўнғир пиджак, ок паҳтали кўйлак, қора шим, боғичли қўнғир рангли туфлида бўлган.

Қуйидаги суратда унинг 45 ёшдаги пайти акс этирилган.

Бу шахслар ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан «02» рақами телевизор орқали ўзларига яқин милиция идораларига хабар қилишларини сўраймиз.

Узбекистон жумҳуриятини ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий тарқиби Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи полковник Қаюм Имомовга онаси

Пўлатий ОСТОНОВАННИГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиласди.

«ПОСТДА» — (НА ПОСТУ)

Орган коллегии МВД Республики Узбекистан

26399 нусхада чоп этилди.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Қирғизистон жумҳуриятини ўш вилоятининг Лайлак туманин ИИБ томонидан 1975 йилда Исфана қишлоғидаги түғилган, А. Навоий номли ўрта мактаб ўқувчиси, руҳий бемор Аивар Ибодуллаеви Аҳматов қидирилмоқда. У шу йил 22 октябрь куни уйидан чиқиб кетганича дом-даражасиз.

Уша куни у қизил рангли катак кўйлак, қора шим, қора туфлида бўлган. Бўйи 165 сантиметр. Алоҳида белгилари йўқ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лошатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил

Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома оғсет усулида, А-3 қолинида босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берниди — 17.50. Буюртма — 6309. Индекс: 64815.

ЧЎРТАН

(И. А. КРИЛОВДАН)

«Ҳовузда ҳеч кимга кун йўқ дастидан», Деб судга берилди ўткириш Чўртан. Ислоту далиллар бир арава бор, Таомилга кўра мана, айбор — Келтирилди катта жом-тогорада, Ҳакамлар йигилди. Яқин орада — Ўлоқда ўтлашиб юради улар, Номлари то ҳануз ҳужжатда турар: Ким экан десангиз, иккита Эшак, Бир жуфт Қирчангию, уч Эчки бешак.

Тартибга биноан назорат учун Тулки айловчи этилди шу кун.

Ҳар хил «миш-миш» юрар одамлар аро:

Чўртан Тулки билан азалдан ошно, Етказиб турди балиқ гўштини.

Турган гапки, қўллар дўстини...

Аммо қаттиқ турни олди ҳакамлар,

Хуллас, бу сафар —

Чўртанинг оқлашга бўлмади илож,

Хукмга қўл қўяр Тулки ноилож:

«Ҳўйилган жами айб тўғри топилсан,

Гуноҳкор баланд бир шоҳга осилсан».

«Муҳтарам ҳакамлар! — дер шошиб

Тулки,

Менда бир таклиф бор, мазмуни шулики —

Бундайин каззобни осиш эрур кам,

Ибрат олсин учун жами муттаҳам

Бир жазо қўллайлик-кўрмаган ҳеч

ким,